

ТАСДИҚЛАЙМАН

“ТОШКЕНТ ШАХАР СУВ ТАЪМИНОТИ” МЧЖ  
ДИРЕКТОРИ  
М.Н.АББАСХАНОВ  
» 2022 ЙИЛ



---

**ОҚАВА СУВ ВА СУВ НАСОС АГРЕГАТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРА ДВИГАТЕЛЛАРИНИ  
СИФАТЛИ БУТКУЛ ТАЪМИРЛАШ.**  
*(объект, иш, хизмат номи)*

---

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**ТОШКЕНТ  
2022 йил**

БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

## TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI" MCHJ

(Буюртмачи номи)

Оқова сув ва сув насос агрегатларининг электра двигателларини сифатли буткул таъмирлаш бўйича

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи **TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI" MCHJ** нинг барча сув кўтариб бериш насос станцияларига

423 104 000(ҚҚС билан) сўм;

Ишлари тугаллаш муддати – 365 кун ичида.

Буюртмачи **TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI" MCHJ**

Молиялаштириш манбаси: **"TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI" MCHJ**

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофик қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси **"TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI" MCHJ** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:  
Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ◆ Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

Эълон [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталида берилган.

Буюртмачи ташкилот раҳбари:



М.Н.Аббасханов.

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“TOSHKENT SHAHAR SUV TA’MINOTI” MCHJ номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: - “TOSHKENT SHAHAR SUV TA’MINOTI” MCHJнинг барча оқава ва сув кўтариб бериш насос станциялари.

423 104 000 (ҚҚС билан) сўм;

Ишларни тугаллаш муддати – 365 кун ичида.

Буюртмачи: “TOSHKENT SHAHAR SUV TA’MINOTI” MCHJ манзил:  
Тошкент шаҳар, Миробод, Фидокор 2.

◆ Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Корхона ички маблағлари.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий корхона ва ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

бажарилган ишлар учун энг камида 12 ой кафолат бериш.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада ақс эттирилган.

Таклифларни очиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин бўлиб ўтади.

Буюртмачи ташкилот раҳбари



М.Н. Аббасханов